

1401/3436 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَمْ يَنَكِلْمِ فِي الْمَهْدِ إِلَّا ثَلَاثَةٌ: عِيسَى، كَانَ فِي بَنِي إِسْرَائِيلَ رَجُلٌ يُقَالُ لَهُ جُرَيْجُ، كَانَ يُصَلِّي، جَاءَتْهُ أُمُّهُ فَدَعَتْهُ، فَقَالَ: أُحِبُّهَا أَوْ أُصَلِّي؟ فَقَالَتِ: اللَّهُمَّ لَا تُمِّنْهُ حَتَّى تُرِهُ وُجُوهَ الْمُؤْمِنَاتِ، كَانَ جُرَيْجٌ فِي صَوْمَاعَتِهِ، فَتَعَرَّضَتْ لَهُ امْرَأَةٌ كَلَمَتُهُ فَأَبَى، فَأَتَتْ رَاعِيًّا فَأَمْكَنَتْهُ مِنْ تَغْسِلَهَا، فَوَلَدَتْ عَلَامًا، فَقَالَتِ: مِنْ جُرَيْجٍ، فَأَتَوْهُ فَكَسَرُوا صَوْمَاعَتَهُ وَأَتْزَلُوهُ وَسَبُوهُ، فَتَوَضَّأَ وَصَلَّى ثُمَّ أَتَى الْغُلَامَ، فَقَالَ: مَنْ أَبُوكَ يَا عَلَامُ؟ قَالَ: الرَّاعِي، قَالُوا: تَبَّنِي صَوْمَاعَتَكَ مِنْ ذَهَبٍ؟ قَالَ: لَا، إِلَّا مِنْ طِينٍ. كَانَتِ امْرَأَةٌ تُرْضِعُ ابْنَاهَا لَهَا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ، فَمَرَّ بِهَا رَجُلٌ رَاكِبٌ دُو شَارَةٍ، فَقَالَتِ: اللَّهُمَّ اجْعَلِ ابْنِي مِثْلَهُ، فَتَرَكَ ثَدِيهَا يَمْصُهُ وَأَقْبَلَ عَلَى الرَّاكِبِ، فَقَالَ: اللَّهُمَّ لَا تَجْعَلِي مِثْلَهُ، ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَى ثَدِيهَا يَمْصُهُ، - قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: كَمْ يَأْنُطُرُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَمْصُ إِصْبَعَهُ - ثُمَّ مُرَّ بِأَمَّةٍ، فَقَالَتِ: اللَّهُمَّ لَا تَجْعَلِي ابْنِي مِثْلَهُ - فَتَرَكَ ثَدِيهَا، فَقَالَ: اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِثْلَهَا، فَقَالَتِ: لَمْ ذَاكَ؟ فَقَالَ: الرَّاكِبُ جَبَّارٌ مِنَ الْجَبَّارِ، وَهَذِهِ الْأَمْمَةُ يَقُولُونَ: سَرَقْتَ، رَتَيْتَ وَلَمْ تَفْعَلْ.

1401.3436. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бешикда фақат учтаси гапирган:

Ийсо;

Бану Исроилда Журайж деган киши бор эди. У намоз ўқиётган эди, онаси келиб қолиб, уни чақирди. У унга жавоб берсаммикан ёки намоз ўқийверсаммикан, деб қолди. Шунда онаси: «Аллоҳим! Унга фоҳишаларнинг юзини кўрсатмагуningча ўлдирма», деди. Журайж ўз узлатгоҳида эди. Бир аёл унга рӯбарӯ келиб, гап отган эди, (Журайж) кўнмади. Шунда аёл бир чўпоннинг олдига бориб, унга

ўзини топшириди ва бир бола туғиб, «Бу Журайждан бўлган», деди. Шунда унинг олдига келиб, узлатгоҳини бузиб ташлашди, ўзини тушириб юборишиди ва ҳақоратлашди. Шунда у таҳорат олиб, намоз ўқиди. Сўнгра боланинг олдига келиб: «Отанг ким, эй бола?» деди. У: «Чўпон», деди. (Шундан кейин) одамлар: «Узлатгоҳингни олтиндан қуриб берамиз», дейишди. У: «Йўқ, фақат лойдан (қурасиз)», деди;

Бану Исроиллик бир аёл ўғлини эмизаётган эди, унинг олдидан бир кўркам отлик киши ўтиб қолди. Аёл: «Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин», деди. Шунда бола унинг кўкрагини ташлаб, отликقا бурилди-да: «Аллоҳим, мени унга ўхшатиб қўймагин», деди. Сўнг яна (онасининг) кўкрагига бурилиб, уни сўра бошлади. - Абу Ҳурайра: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз бармоқларини сўраётгандарини кўриб тургандекман ҳамон кўз ўнгимда», деди. - Кейин бир чўри олиб ўтилди. Аёл: «Аллоҳим, ўғлимни мана шунга ўхшатиб қўймагин», деди. Шунда бола унинг кўкрагини ташлади-да: «Аллоҳим, мени шунга ўхшатгин», деди. Шунда аёл: «Нима учун?» деди. (Бола): «Отлик зўравонлардан бири эди. Мана бу чўрига эса: «Ўғрилик қилгансан, зино қилгансан», дейишяпти, бироқ у бундай қилмаган», деди».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

